

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ НАЗИРЖОН МУҲАММАДЖОНОВИЧ

**ПАХТА ХОМАШЁСИ УЧУН ҚУЁШЛИ-ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАСИ
ИССИҚЛИК МАНБАИНИНГ УСУЛИ ВА УСКУНАСИНИ ЯРАТИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар, Роботлар, мехатроника
ва роботатехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Сафаров Назиржон Мухаммаджонович

Пахта хомашёси учун куёшли-куритиш қурилмаси иссиқлик манбаининг
усули ва ускунасини яратиш 3

Сафаров Назиржон Мухаммаджонович

Создание метода и устройства источника тепла солнечно-сушильной
установки для сушки хлопка-сырца 29

Safarov Nazirjon Muhammadjonovich

Creation of the method and heat source device of sun-drying system unit for
drying raw cotton..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Сисок опубликованных работ

List of published works 59

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ НАЗИРЖОН МУҲАММАДЖОНОВИЧ

**ПАХТА ХОМАШЁСИ УЧУН ҚУЁШЛИ-ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАСИ
ИССИҚЛИК МАНБАИНИНГ УСУЛИ ВА УСКУНАСИНИ ЯРАТИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар, Роботлар, мехатроника
ва роботатехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/T88 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.nammti.uz ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (WWW.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Маҳкамов Руфат Гулямович,
техника фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Маматов Алишер Зунунович
техника фанлари доктори, профессор

Баҳадиров Ғайрат Атаханович
техника фанлари доктори, профессор

Усмонқулов Алишер Қодирқулович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли илмий кенгашнинг 24 июлдаги 2021 йил соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй, Тел.: (69)228-76-68, факс: (69) 228-76-75, e-mail: nei_info@edu.uz. тел. Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (354-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7-уй. Тел.: (69)228-76-68.

Диссертация автореферати 2021 йил 09 июль куни тарқатилди.
(2021 йил 13 майдаги №40 рақамли реестр баённомаси).



Ғ.М. Мурадов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Х.Т. Бобожанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, техника фанлари доктори

Қ.М.Халиқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Пахта толаси тўқимачилик саноатининг асосий хомашёси ҳисобланиб, ундан тайёрланадиган маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб ошмоқда. «Халқаро консультатив кўмита (ICAC) маълумотларига қараганда жаҳон миқёсида 24,55 млн. тонна тола истеъмол қилинган бўлсада, ишлаб чиқарилган тола 23,07 млн. тоннани ташкил этди»¹. Бу борада, жумладан Бангладеш, Хитой, Туркия, Индонезия каби давлатлар пахта толасини импорт қилиш бўйича етакчилик қилган. Ушбу йўналишда, пахта толаси ва уни сифатига бўлган талабларнинг янада ошиши билан пахта маҳсулотлари табиий сифатини сақлаш ва таннархини камайтириш имкониятини берувчи, янги ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга тўхтовсиз ўсиб бораётган аҳоли сони ва талабидан келиб чиқиб, пахта толасидан тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда пахта толасига бўлган талаб ва таклиф даражасига кўра бу маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган технологияларни такомиллаштириш бўйича кенг кўламда изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, пахтани тайёрлаш ва сақлашнинг турли усуллари, ускуналари, назорат-ўлчов усул ва воситалари, ғарам ва модуллар, уларни шакллантириш, бузиш ва пахтани ташиш воситалари, пахтани қуриштириш, майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш, толасини ажратиш, пакетлаш, толали чиқиндиларни қайта ишлашнинг истиқболли технология ва ускуналарини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш йўналишида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар жаҳон пахта саноати истиқболини белгилаб берувчи йўналишлар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати техника ва технологияларининг янгиларини яратиш, етиштирилаётган пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида дунё бозорида рақобатбардошликни таъминловчи сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, янги тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари қуришга, амалдагиларини замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлашга, пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тола сифатини оширишга катта эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² каби вазифалар белгиланган бўлиб, уларни амалга оширишда, жумладан юқори намликдаги пахтани дастлабки ишлашда тола чиқишини оширишнинг самарали технологиясини яратиш ва

¹ International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. email secretariat@icac.org. September 1, 2017

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада, хусусан, нам пахтани қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда қуритишнинг маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмайдиган ва кам энергия талаб қиладиган, ихчам усул ва воситаларини яратиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони, «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408 сон қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Пахтани сақлаш, қуритиш, толали чиқиндиларни қайта ишлаш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан USDA Ginning Cotton Research Unit, Texas Tech University, Samuel Jakson Incorporated (АҚШ), Cotton research and devolepment corporation (Австралия), National Research Center for cotton processing engeeniring and technology, China Cotton Industries Limited, Shandong Swan Cotton Industrial Machinery Stock, Handan Golden Lion, Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University (Хитой), Pakistan Cotton Standards Institute, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамияти (Ўзбекистон) томонидан пахта саноати учун янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Пахтани сақлаш ҳамда толали чиқиндиларни тозалаш ва йигиришга яроқли толаларни асосий оқимга қайтариш техника ва технологиясини ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қўйидаги илмий натижалар олинган: пахтани сақлаш ва қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизими яратилган; пахта хомашёси ва маҳсулотларининг капилляр-ғовак, коллоид материаллар сифатида иссиқлик ва намлик ўтказувчанлиги асосий қонуниятлари олинган, тола тозалагич ва толали чиқиндиларни регенерациялаш ускуналарини ҳисоблаш ва лойиҳалаш

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.chnnawarpingma.chine.com, www.zaurer.com; www.t-tecxjapan.co.jp; www.zzfj.com, http://www.Benninger_group.com; www.somet.it, www.picanol.bi, <http://www/toyoda.com>, www.bstzjx.com., International journal of applied and fundamental research ва бошқа манбаалар асосида ишлаб чиқилган.

услуглари ишлаб чиқилган (Иваново давлат тўқимачилик академияси, Кострома давлат технология университети, Россия); «Пахтасаноат илмий маркази» АЖ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон);

Бугунги кунда Россия, Хитой (Shandong Swan Cotton Industrial Machinery Stock Co.,Ltd), АҚШ, Австралия (Lummus Australia Pty., Ltd.), Жанубий Африка ва Турманистон ва бошқа жaxon мамлакатларида қуёш энергиясидан фойдаланиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш бўйича етарлича малака тўпланган.

Пахтани қуритишда қуёш энергиясидан фойдаланиш табиий энергия манбаъларидан фойдаланишни кенгайтиришгина эмас, балки пахта толаси табиий хусусиятларини сақлаш ва энергия сарфини камайтириш орқали сезиларли иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятини ҳам беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахта тозалаш саноати машина ва агрегатлари, жумладан, қуритиш барабанлари ишини такомиллаштириш бўйича кўп йиллик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилишда таниқли олим ва мутахассислар: М.А.Хаджинова, Г.В.Банников, Н.М.Михайлов, Г.Л.Гамбург, А.И.Кулагин кабиларнинг ишлари ўрганиб чиқилди. Пахта тозалаш саноати қуритиш жараёнларида ишлатилувчи технологик машиналар динамикаси назарий-услубий асосларини ривожлантиришда А.П.Парпиев, А.З.Маматов, Р.М.Каттаходжаев, У.Арифов каби таниқли олимлар раҳбарлигида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари сезиларли самара олиб келган.

Қуритиш режимининг тола ва чигит сифатига таъсири Г.Н.Кукин, А.Н.Соловьёвлар томонидан ўтказилган тадқиқотларда ўрганилган. В.А.Крахмалев томонидан биринчи марта толани қуритишда морфологик хусусиятларнинг ўзгариши таҳлили амалга оширилди. Кейинчалик юқори ҳароратнинг толага таъсири бўйича бир қатор олим ва мутахассислар шуғулланишган. Аммо, ҳозирги кунгача пахта хомашёсини қуритишда толанинг табиий хусусиятларини сақлаш ва энергия ва экологик муаммоларни ҳал қилиш имконини берадиган қуёш ёки қайта тикланувчан энергия манбааларидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

Шунинг учун пахта хомашёсини қуритиш жараёнида энергия сарфини камайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида юқори техник-иқтисодий самарадорликка эга бўлган қуёшли қуритиш қурилмаларини ишлаб чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №4.23 «Қуёш энергиясини қўллаган ҳолда пахта хомашёсини қуритиш қурилмасини яратиш» (2012–2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Пахтани қуёш энергияси ёрдамида қуритиш қурилмасини яратиш орқали пахта толасининг табиий сифатини сақлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юқори ҳароратнинг пахта хомашёси сифат кўрсаткичларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, қуритиш барабанлари технологик жараёнларини таҳлил қилиш;

гелеоқуритиш қурилмалари ҳамда қуёш ёрдамида ҳаво қиздиргичларнинг замонавий ҳолати ва самарадорлигини таҳлил қилиш;

пахта хомашёсини қуритиш технологик жараёнини амалга оширувчи ва энергиятежамкор қуёшли қуритиш қурилмасини ишлаб чиқиш;

қуёшли қуритиш қурилмаси ёрдамида қуритиш жараёнида пахта хомашёсининг динамик ва технологик кўрсаткичларини аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини берадиган иссиқлик жараёнларининг математик моделини ишлаб чиқиш;

оптик лупалар қўллаган ҳолда яратилган қуёшли қуритиш қурилмасини ишлаб чиқариш шароитида синаш ва натижаларни таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти пахта тозалаш саноати оқим линиясидаги қуритиш жараёни ва агрегатлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети пахта хомашёсининг ўрта толали навларини қуритиш учун қуритиш барабанлари ва қуёшли қуритиш ускуналари ташкил қилади.

Тадқиқот услублари. Назарий тадқиқотлар замонавий назарий ва амалий механика, иссиқлик техникаси, термодинамика ҳамда ҳисобий математика методлари асосида ўтказилди.

Экспериментал тадқиқотлар лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида ИВ тизимининг замонавий ўлчов воситаларида ва пахта толаси ҳамда қурилма ишлаши сифатини баҳолаш усул ва воситаларини қўллаган ҳолда амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

қуритиш ускунасида қуритилаётган пахта билан иссиқ ҳаво ўртасидаги иссиқлик алмашинув жараёнларини назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари асосида пахта хомашёсини табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолувчи оптик лупалар билан ишловчи қуёшли қуритиш қурилмаси яратилди;

қуритгич камерасида бораётган қуриш жараёни ҳамда қуритилган пахтанинг сифат кўрсаткичлари иссиқликни ҳосил қилиш усулига боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда пахтани қуёш энергиясидан фойдаланиб қуритиш технологияси ишлаб чиқилган;

қуритгич камерасида бораётган пахтани жараёни кўрсаткичлари қуритилаётган пахта массасига боғлиқлигидан келиб чиқиб, турли қалинликдаги пахта температураси ва намлиги ўзгаришининг ҳаво температураси, намлиги ва таъсир вақтига боғланиши аниқланган;

қуритиш қурилмасида пахтани аэрофонтан усулида қуритиш жараёни учун ишлаб чиқилган математик модел асосида турли намликдаги пахтани

қуритишда ҳавонинг рационал температураси ва таъсир вақти қийматлари аниқланган;

қуритиш ускунаси ҳавоқиздиргичидаги қуритиш агенти температураси билан қуритиш самарадорлигининг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда пахтанинг дастлабки сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмайдиган ва максимал даражада намлик олинисини таъминловчи ҳаво температураси аниқланган;

қуритиш ускунасига юборилаётган ҳаво температураси ва тезлигининг пахтадаги намлик миқдориға таъсирини ҳисобга олган ҳолда бажарилган статистик таҳлиллар натижасида ускунаға узатиладиган иссиқ ҳавонинг оптимал ва критик тезликлари аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қуритиш ускунасида қуритилаётган чигитли пахта билан иссиқ ҳаво ўртасидаги содир бўладиган иссиқлик алмашинув тенгламаси асосида чигитли пахтани қуритишнинг янги техника ва технологияси ишлаб чиқилган;

қуритиш агентининг тавсиф қилинган ҳароратларда қуритиш учун ишлаб чиқилган математик моделлар асосида пахта толасининг табиий хусусиятларини сақлаш (табиий оқлик, узунлик, узилиш кучи ва бошқалар) имконини берувчи энергиятежамкор оптик лупалар билан ишлайдиган ҳавоқиздиргич яратилган;

қуритиш қурилмасида чигитли пахтани қуритиш жараёнида содир бўладиган аэрофонтан қуритиш усули учун ишлаб чиқилган математик модел асосида таклиф этилаётган қуритиш технологиясида қуритиш жараёнининг самарали ва камчиқим усули яратилган;

тажрибалар натижасида олинган статистик таҳлиллар таклиф этилаётган қуритиш ускунасининг оптимал технологик кўрсаткичларини танлаш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг мавжуд ва амал қилинаётган фундаментал назарияларға мувофиқ келиши, тажриба синовлари пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқариш шароитида ўтказилганлиги, назарий ва тажрибавий изланиш натижаларининг ўзаро мос келганлиги, математик статистик қайта ишловлар 96% ишончлилик даражаси билан амалға оширилганлиги, пахта ва толани сифат кўрсаткичлари стандарт методикалар билан замонавий ИВВ системасидаги лабораторияда аниқланганлиги, олинган натижаларни реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришға жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чигитли пахтани қуритишда қўлланилган муқобил энергия манбаларидан фойдаланиб яратилган янги техника ва технологияни асословчи тенгламалар; пахтани бошланғич намлигига қараб қуритиш режимини аниқлаш имконини берувчи боғланишлар, пахтадан намлик олинисининг математик модели, қуритиш жараёнида толалар куйиб қолишини олдини олувчи, оптимал температурадаги қуритиш агенти билан таъминлашға асосланган қуритиш режими; аналитик усул билан олинган

қуритиш жараёни термодинамик қонуниятларининг пахтани қуритиш жараёни назарий асосларини муайян даражада бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти техникавий ечимларнинг ишлаб чиқариш зарурати асосида ишлаб чиқилгани, чигитли пахтани қуритиш жараёнида унинг техник характеристикалари стандарт талаблари даражасида бўлишини таъминлаши, чигитли пахтани қуритишнинг ресурстежамкор усули, толаларнинг табиий хусусиятлари тўлиқ сақланиб қолиш имконини яратилиши, қуритиш жараёнининг экологик тозалиги ҳамда жараённинг энергия тежамкорлигини таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта хомашёсини қуритиш учун қуёшли қуритиш қурилмасига иссиқлик манбаи ва унинг услубини яратиш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахтани қуёш энергияси ёрдамида қуритиш технологияси Косонсой пахта толаси акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Натижада, толанинг нисбий узилиш кучи- 2,7гк/текс га ортган; калта толалар миқдори -0,2% камайган; толаларнинг нур қайтариш коэффициенти – 3,4% га ортган; толаларнинг сариқлик даражаси -1,1% га камайган.

пахтани қуёш энергиясидан фойдаланиб оптик лупалар ёрдамида қуритиш қурилмаси Косонсой пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» А/Жнинг 2018 йил 13 сентябрдаги №02-1815331-сонли маълумотномаси). Натижада, пахтани нисбатан паст хароратда (85-9.05°C) қуритилиши толаларнинг табиий хусусиятларини максимал даражада сақлаб қолишни таъминлаган. Наманган муҳандислик технология институти дастлабки синовдан ўтказилган. Натижада, пахтани қуритиш қурилмасини ишга яроқлилиги яъни аниқланган. 1-сорт 3-синф, 10,1 % намликда, 8,2 % ифлосликда чигитли пахта қуритилган. Қуритиш вақти инобатга олиниб, қуригандан сўнг чигитли пахта намлиги 8,5% ни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 30 дан ортиқ республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 2 монография чоп этилган, 48 та илмий иш, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 16 та, шу жумладан чет элда 3 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этади.

Муаллиф диссертация ишини бажаришда ўз маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган устозлар, ф.м.ф.д., профессор Б.М. Мардонов ва т.ф.д., профессор Х.Т. Ахмедходжаев ҳамда т.ф.д., профессор О.Ш. Саримсақовларга чуқур миннатдорчилик билдиради.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети тузилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мос келиши аниқланган, тадқиқот амалий натижалари ва илмий янгилиги берилган, олинган натижаларнинг тўғрилиги асосланган, амалиётга жорий қилиш бўйича маълумотлар берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, ишнинг апробацияси натижалари ҳамда чоп қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Замонавий қуритиш жараёнлари ҳолатининг таҳлили”** номли биринчи бобда замонавий қуритиш жараёнлари ҳолатининг таҳлили, ўрнатилган технологик регламентлар асосида пахта хомашёсини қуритиш барабанларининг конструкциялари ва илмий асослари яратилганлигини аниқлаш мақсадида адабий манбаалар таҳлили ўтказилди, қуритиш барабанларининг оптимал конструктив параметрлари ҳамда қуритиш агенти ва режимининг оптимал ҳароратлари аниқланди;

Таҳлиллар асосида пахта хомашёсини қуритиш жараёни ва унинг тола ва чигит сифатига таъсири етарлича чуқур тадқиқ қилинган, лекин шу билан бирга тола ва чигит табиий хусусиятларини сақлаш бўйича муаммоларнинг оптимал ечимлари ҳозиргача топилмаганлиги маълум бўлди;


Қуритиш барабанлари конструкциялари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари таҳлилидан аниқландики, ҳозиргача бизнинг Республикамизда қуритиш жараёнида муқобил энергиялардан фойдаланиш ўрганилмаган ва тадқиқ қилинмаган;

Қуёшли ҳаво қиздиргичлар ва қуритиш қурилмаларининг замонавий ҳолати ва тадқиқотлар натижалари таҳлили асосида турли конструкциядаги қуритгичлар яратилганлиги аниқланди. Лекин мазкур қуритиш қурилмалари фақатгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, узум, ер ёнғоқлар ва бошқаларни қуритиш учун самарали, лекин пахта хомашёсини қуритиш учун мақсадага мувофиқ эмаслиги асосланди.


Турли конструкциядаги қуёшли ҳавоқиздиргичлар ва қуритгичлар схемалари



1-вентилятор; 2-ёғоч қути; 3-қовирғали металл; 4-ойнак
1-расм. Қуёш ҳавоқиздиргичи.




1,2,3,4,5- ойнак; 6,7,8 – ҳаво кириш тешиги; 9-ҳаво чиқиш тешиги; 10-иссиқлик изоляцияси
2-расм. Қуёш ҳавоқиздиргичи.



1-ҳавоқиздиргич; 2-ойнак;
3-иссиқлик қабул қилувчи металл;
4-иссиқлик изоляция.5-ҳаво қувури,
6-қуритиш камераси

3-расм. Қуёш қуритиш қурилмаси.



1-ҳаво қиздиргич, 2-қуритиш камераси

4-расм. Қамерали қуёш қуритиш қурилмаси.



5-расм. Тешик юзали иссиқлик қабул қилувчи қуёшли ҳавоқиздиргич.

Барча келтирилган ҳаво қиздиргичлар бир хил асосий камчиликка эга, яъни паст иссиқлик характеристикаларига эга бўлганлиги сабабли пахта хомашёсини қуритиш учун оптимал ҳарорат режими ва қуритиш агенти олиш имкониятига эга эмас.

Ўтказилган илмий таҳлил асосида, пахта толаси сифатини сақлаш ва энергия сарфини камайтириш бўйича тадқиқот ишларини кенгайтириш эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, диссертация ишининг мақсад ва вазифалари шакллантирилди.

Бундан ташқари қуёшли қуритиш қурилмаларининг ҳозирги ҳолати ва пахта толасининг табиий хусусиятларини сақлаш, энергия сарфини камайтириш йўналишида олиб борилган тадқиқотлар натижасида оптик лупалар билан таъминланган қуёшли қуритиш қурилмасини яратиш эҳтиёжи мавжудлиги аниқланди.



Диссертациянинг **“Қуёшли қуритиш қурилмасининг конструкциясини ишлаб чиқиш** деб номланган иккинчи бобида иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида кучли ва мустаҳкам материал-техник база яратиш жараёнида замонавий илмий-техник ривожлантиришнинг асосий йўналиши ҳисобланган, юқори самарадорликка эга, энергия тежовчи ва экологик тоза технологияларни яратиш, ишлаб чиқариш ва ривожлантириш муҳим масала сифатида қаралмоқда.

Диссертациянинг юқоридаги бобларида келтирилган тадқиқотлар бизнинг қарашимизча, бир қатор истикболли қуёшли қуритиш

қурилмаларини ишлаб чиқиш имконини берди.

Қуришиш қурилмаларининг таъкидлаб ўтилган бир қатор камчиликларини йўқотиш мақсадида оптик лупаларга эга қуёшли қуришиш қурилмасининг тажриба нусхасини таёрлаш мақсадида қурилма асосий қисмларининг ишчи чизмалари тайёрланиб, сеткали конвейер, оптик лупалар ҳамда ўқли вентиляторларнинг турли технологик тавсифлари назарий тадқиқотлар орқали аниқланди ва улар натижасига асосан танланди.

Қуёшли қуришиш қурилмасининг деталларининг ишчи чизмалари:





13-расм. Горизонтал қуёшли қуритиш қурилмасининг фото нусхаси.

Маълумки, пахта хомашёсини қуритиш паст потенциалли иссиқликни, жумладан қуёш энергиясини мақсадсиз ишлатишда бир неча кун, хатто ойга ҳам чўзилиши мумкин.

Бундай ҳолларда кундузи ишлайдиган қуритиш қурилмаларини ишлатиш энергия бўйича ҳам, техник-иқтисодий томондан ҳам кам самарали ҳисобланади. Биринчидан, қуёш энергиясидан фойдаланишга мўлжалланган қурилмани ишлатиш давомийлиги ҳамда ишлаб чиқариш унумдорлиги камаяди. Бундан ташқари, ҳар куни (куннинг биринчи ярмида) қуритилаётган материални қиздириш учун сезиларли даражада қуёш иссиқлигини ишлатиш керак бўлади. Иккинчидан, қуритишнинг иккинчи ярим давридан бошлаб қуритиш жараёнида материалнинг намлик сақлаши экспоненциал камаяши, қуритиш интенсивлиги эса пасайиши натижасида юқори ҳароратли иссиқликнинг кўп қисмини қуритиш камерасидан атмосферага чиқариб юборила бошлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб кечаю-кундуз ишлайдиган қуёш қурилмани қуритгичларни яратиш устида илмий изланишлар олиб бориш кераклиги мақсадга мувофиқдир.

Бундай конструкциядаги қурилмаларни яратиш йўлларида бири қуёш қурилмаларининг конструкциясида иссиқлик сақлаш аккумуляторларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Мазкур масалани ечишда оддий $0,5-1,0 \text{ м}^3$ ҳажмдаги сойнинг тошларидан фойдаланиш мумкин бўлади. Чунки кўрсатилган ҳажмдаги бир неча тонна сой тошларини ҳар қандай ҳолатда маълум ёпиқ ҳажмда жойлаштириб унинг бир томонидан ҳаво юборилганда иккинчи томондан чиқади.

Иссиқлик аккумуляторини тайёрлаш учун ерга тўғри бурчакли тўрт бурчак ($3 \times 10 \times 3 \text{ м}$) шаклида чуқурлиги 3 м хандак қазилади. расм.14. иссиқликни узок муддат сақлаш ва иссиқликни йўқотишни олдини олиш мақсадида хандакка тош ташлашдан олдин унинг остига ва ён томонларига

маълум қалинликда иссиқлик изоляцияловчи мато (стекловат) тўшалди ва хандак сой тошлари билан тўлдирилиб, устидан ҳам иссиқликни изоляцияловчи мато тшалиб, унинг устидан тупроқ ётқизилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, биз муаллифлар томонидан қуёш қурилмаларидаги камчиликларни бартараф қилиш мақсадида кечаю-кундуз иссиқлик аккумулятори ҳисобига ишлайдиган қуёш қурилмали чигитли пахтани қуритиш учун янги ускуна тавсия этилган.

13-Расмда таклиф этилаётган аккумуляторли қуёшли қуритиш қурилмасининг схематик кўриниши тасвирланган.

Мазкур қурилманинг ишлаш принципи ҳам юқорида таклиф этилган қурилмалардан фарқ қилмайди, лекин у иссиқлик сақлаш аккумулятори билан жиҳозланган

Таклиф этилган қуритиш қурилмаси юқори даражада иссиқликдан самарали фойдаланиш имконияти билан фарқ қилади ва ундан куз ва баҳор фаслларида ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.


Бундан ташқари таклиф қилинаётган аккумуляторли қуёшли қуритиш қурилмасининг конструкцияси оддий бўлиб, уни тайёрлаш осон ва унга қимматбаҳо металл ёки бошқа материаллар талаб қилинмаслиги билан бир неча марта арзонга тайёрланади.

Таклиф этилаётган аккумуляторли қуёшли қуритиш қурилмаси бошқа қуёш қурилмаларига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

1. Аккумуляторли қуёшли қуритиш қурилмаси кечаю-кундуз ишлаши билан қуритиш жараёнининг қуритишга сарф бўлаётган вақтни қисқартиради.

2. Қуритиш жараёнини иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини таъминлайди.

3. Қуритиш қурилмасида кололифер қўлланилганлиги сабабли қуритиш қурилмасининг бир режимдан иккинчисига ўтганда қуёшли қиздиргичларнинг ишлаш муддати ошади.



14-расм. Пахта хом ашёсини қуритиш учун иссиқлик аккумулятори билан жиҳозланган горизонтал типдаги қуёшли қуритиш қурилмасининг схемаси.

1-оптик лупалар; 2 –пўлат иссиқлик қабул қилиш пластинкаси; 3- ҳавоқиздиргич; 4-қуритиш камераси; 6-кололифер; 7-юқори конвейер; 8-қуйи таъминловчи конвейер; 9-иссиқ ҳаво йўнатирувчилари; 10, 11-иссиқ ҳаво қувурлари.

Мазкур масалаларни ҳал этиш ва гелиоқуритиш қурилмаларини

такомиллаштириш ва янги технологияларни яратиш эса бажарилаётган илмий тадқиқот ишининг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади.

Такидлаб ўтилган масалаларни инобатга олиб, келгусида кечаю-кендуз ишлайдиган, камчиқим, (комбинированный) аралаш иссиқлик билан таъминловчи (қуёш энергиясига ҳамда кололифер ёрдамида ишлайдиган) қуёшли қуритиш қурилмаларни яратиш устида илмий ишлар олиб бориш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Бундай қурилмаларни лойихалаш ва тайёрлаш натижасида қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Диссертациянинг **“Оптик лупалар билан ишлайдиган қуёшли қуритиш ҳаво қиздиргичларининг асосий параметрларини назарий тадқиқи”** деб номланган учинчи бобида иқтисодиёт тармоқларида энергия сарфининг доимий ортиб бориши, ишлаб чиқариш вақтида ёқилғи захираларини ишлатиш ва уларни ёқишдаги экология муаммоси (айниқса паст ҳароратли технологик жараёнлар иссиқлик эҳтиёжни қондириш учун) одатдаги иссиқлик-энергетик ресурсларни рационал миқдорда ҳамда тежаб ишлатиш билан бирга янги муқобил ҳамда қайта тикланувчи энергия манбааларидан фойдаланиш имкониятини яратувчи илмий изланишлар олиб боришни талаб қилмоқда.

Қайта тикланувчан энергия манбаалари ичида Марказий Осиё республикалари шароитида қуёш энергияси қўллаш имконияти ҳамда экология софлигини таъминлаши билан муҳим ўрин эгаллайди.

Қуритиш агенти қурилмасига келадиган иссиқликни берувчи қуёшли қуритиш қурилмалари асосий компонентларига қуйидагилар киради: қуёш нурлари энергиясини паст потенциал иссиқликка айлантириб берувчи қуёш коллектори, қуритилаётган пахта хомашёси юкланувчи қуритиш камераси, ёқилғи ёрдамида ишловчи қуёш коллектори ва қуритиш камераси орасига ўрнатилган иссиқлик генератории.

Ҳаво қиздиргичлар конструкцияларини синаш натижалари асосида оптик лупалар ўрнатилган қурилма иссиқлик-техник кўрсаткичлари оддий конструкциялар (ойнали ҳаво қиздиргичлар назарда тутилган) дан юқорилиги асосланди.

Лекин унда ҳаво қиздиргичларнинг мақбул ўлчамларини ҳисоблашга боғлиқ масалалар кўрилмаган.

Оптик лупали қуёшли ҳаво қиздиргичларни амалиётда қўлланганда ўрнатилган сарфда ҳаво ҳарорати максимал бўлиши учун лупалар жойлашиш майдони ва миқдорини олдиндан аниқлаш лозим.

Конвейер тўрли юзага таъминлагичдан тушган пахта биргаликда маълум тезликда ҳаракатланаётган бўлсин:

$$V_o = \frac{Q_o}{\rho_o S}, \quad (1)$$

Бунда : Q_o -таъминлагич иш унумдорлиги,

ρ_o - конвейерга берилаётган пахта зичлиги,

S – таъминлагичнинг кўндаланг кесим юзаси

У холда термадинамик фаразлар асосида қуйидаги дастдлабки шартларни қабул қиламиз:

1. Конвейер тезлиги ва унга узатилаётган пахтанинг қалинлиги ўзгармас -бир хил;

2. Иссиқ ҳаво билан пахтанинг ўзаро иссиқлик алмашинув жараёни (конвектив) ва тўрли юза билани пахтанинг ўзаро иссиқлик алмашинув жараёни (контысний) бўлсин.

3. Пахта тўрли юза билан биргаликда ҳаракатлангани учун унинг зичлиги ва босими конвейер узунлиги бўйича ўзгармас бўлсин.

4. Юқоридаги шарт ва фаразлардан келиб чиқиб иссиқ ҳаво билан тўрли юзанинг ўзаро иссиқлик алмашинув жараёни тенгламасини қуйидагича ёзамиз:

$$CV_o \frac{dT}{Vx} = \alpha S(T_c - T) + \alpha_{vx}(T_o - T) \quad (2)$$

Бунда: C – пахтанинг иссиқлик сиғими;

α – тўрли юза девори билан пахта орасидаги иссиқлик алмашув коэффициенти;


α_{vx} – иссиқ ҳаво билан пахта орасидаги иссиқлик алмашув коэффициенти;

S – юза билан пахтанинг контактда бўлиш юзаси;

Агар конвейер узунлиги l маълум бўлса, у холда камерага узатиладиган ҳарорат T_o ни $T_1 = T_o$ деб ҳисоблаб топиш мумкин

$$T = (T_n - T_s \gamma_s - T_o \gamma_o) e^{-\gamma x} + T_s \gamma_s + T_o \gamma_o \quad (3)$$

Бу ерда: $\gamma_s = \frac{\alpha_s}{CV_o}$; $\gamma_o = \frac{\alpha_{vx}}{CV_o}$; $\gamma = \gamma_s + \gamma_o$



15-расм. Камерага пахта хомашёсини икки хил (u_1)-тезликда узатилаётган вақт учун конвейер тўрли юзасининг узунлиги бўйича (u_2)- ҳаво тезлиги ва (u_{20})-пахта хомашёсининг тезлигини ўзгариш графиги.

$$m \frac{d^2y}{dt^2} = mg + \frac{1}{2} C_{\mu_o} \pi r^2 |\check{v}_{vozdux} x| v_{vozdux} \quad (4)$$

Пахта бўлагининг массаси:

$$m_o = \frac{4}{3} \pi r^3 \rho_3^o \quad (5)$$

Бунда: $m = m_0(1 + \alpha e^{-T_0 \cdot t})$ - пахта бўлагининг намлиги ва хароратини инобатга олинган келтирилган массаси

$C_{\mu 0}$ - қаршилик коэффиценти,

g - эркин тушиш тезланиши


$V_{\text{воздух}}$ - иссиқ ҳаво тезлиги

Ечимни топиш учун қуйидаги дастлабки берилганларни инобатга


оламиз:

$r = 2 \text{ см}; \rho_p = 0,15 \text{ кг/см}^3; C_{\mu 0} = 0,44; \alpha = 0,2; T_0 = 50-100 \text{ C}^\circ; V_{\text{воздух}} = 8-12 \text{ м/с}.$

Бошланғич шарт: $t=0: y(0)=0; y'(0)=0;$



16-расм. Вақт бўйича турли иссиқ ҳаво тезликларидаги пахта бўлагининг троекторияси.



17-расм. Конвейер узунлиги бўйича пахта хомашёси ҳамда иссиқ ҳаво тезлигининг ўзгариш графиги.


15- расмни инобатга олиб, иссиқ ҳаво оқими тезлиги маълум бўлган шароитда оқимда харакатланаётган пахта хомашёси иссиқлик алмашинув тенгламасини ёзамиз:

$$c_1 u_1 \frac{dT_1}{dx} = \alpha_{12}(T_2 - T_1), \quad (6)$$

$$c_2 u_2 \frac{dT_2}{dx} = \alpha_{12}(T_1 - T_2), \quad (7)$$

Тенгламани ечимини топишда қуйидаги дастлабки берилганлардан фойдаланамиз:

$$\rho_1^0 = 1,1 \text{ кг/м}^3, \rho_2^0 = 100 \text{ кг/м}^3, \rho_{10} = 0,9 \text{ кг/м}^3, \rho_{20} = 50 \text{ кг/м}^3, k = 0,3 \text{ кг/м}^3. L = 4 \text{ м}$$




18-расм. Ҳаво (u_1) ва пахтанинг (u_2) конвейер тўрли юзаси бўйича иссиқлик сиғимининг ўзгариш графиги.

c_1, c_2 – ҳаво ва пахта хомашёсининг иссиқлик сиғими;


$T_1(x), T_2(x)$ – тегишли ҳароратлар;

α_{21}, α_{12} – ҳаво ва пахтанинг иссиқлик сиғими коэффициентлари;

$(u_{10}), (u_{20})$ - тезлик ва ρ_{10}, ρ_{20} - $X=0$ кесмадаги фазалар зичлиги,



19-расм. Конвейер узунлиги бўйича (u_1) иссиқ ҳаво ва (u_2) пахтанинг ҳароратини ўзгариш графиги.



20-расм. Оптик лупалар билан ишлайдиган ҳавоқиздиргичнинг кундузги ҳаво қиздириш кўрсаткичи.

Қуёшли қуритиш қурилмасида қуритилган пахта хоашёсини эксперимент натижалари бўйича статистик тахлили

Маълумки, статистик тахлил ўтказиш учун қуйидагича регрессия тенгламаси ёзилиши мумкин:

$$y = b_0 + \sum_{i=1}^k b_i x_i + \sum_{i=1}^k b_{ii} x_i^2 + \sum_{i<j}^k b_{ij} x_i x_j + \sum_{i<j<l}^k b_{ijl} x_i x_j x_l \quad (8)$$

бунда y – оптималлаш параметрининг ҳисобий катталиги, x_i - мустақил қирувчи параметрлар, b_0 , b_i , b_{ij} , b_{ijk} - экспериментлар натижасида аниқланувчи регрессия коэффициентлари.

Регрессия тенгламасини аниқлаш учун экспериментнинг иккита ҳолати ($k = 2$) ҳар бир омиллар учун уч факторли матрица тузамиз ва уларни қуйидагича белгилаб оламиз \bar{y}_{ui} , \bar{z}_{ui} ва \bar{r}_{ui} мос равишда қуритилаётган пахта намлиги қиймати, в m параллел тажрибалардан олинган, уларнинг ҳар бири

n тажрибалардан олинган. У ҳолда: $\bar{y}_{ui} = \frac{1}{n} \sum_{l=1}^n y_{ul}$, $\bar{z}_{ui} = \frac{1}{n} \sum_{l=1}^n z_{ul}$,

Қуйидаги ҳолат учун $N_2 = N = 8$, $m = 2$ деб фараз қилиб натижани 4.1-Жадвалга киритамиз

Ҳар бир тажриба учун алоҳида қуйидаги кетма-кетлик орқали статистик қайта ишлаш ўтказамиз:

1) параллел тажрибаларни бир хил m қийматлари учун уларни ёйилиш

дисперциясини S_u^2 , текшириб чиқамиз. $S_u^2 = \frac{\sum_{p=1}^2 (\bar{y}_{up} - \bar{y}_u)^2}{m-1}$ (10)

Бунда u - вариантнинг кетма-кетлик рақами ($u = 1.2..N$),

$p = 1.2.3..m$ - параллел тажрибанинг кетма-кетлик рақами, m - ҳар бир вариант учун тажрибалар сони

$\bar{y}_u = \frac{1}{m} \sum_{p=1}^m \bar{y}_{up}$ - ҳар бир вариант бўйича барча тажрибаларнинг ўртача

қиймати

Статистика ($S_{u(\max)}^2$ - вариантлардаги дисперциянинг максимал қиймати)

$$G = \frac{S_{u(\max)}^2}{\sum_{u=1}^N S_u^2} \quad (11)$$

Кохрен мезони бўйича текшириш G_{α, k_1, k_2} , маълумотномадан аниқланувчи материал қиймати, α - аҳамиятлилик кўрсаткичи

($0 < \alpha < 1$), $k_1 = N$, $k_2 = m - 1$ - эркинлик даражаси сони,

2) Агар қуйидаги тенгсизлик сақланса

$$G < G_{\alpha, k_1, k_2}, \quad (12)$$

У холда паралел тажрибалардаги вариантлар бўйича диспециянинг бир хиллиги m ташлаб юборилмайди яъни:

$$S_y^2 = \frac{1}{N} \sum_{u=1}^N S_u^2 \quad (13)$$

Бу келгусида модел адекватлигини баҳолаш учун ишлатилади.

3) Агар тенгсизлик (12) сақланмаса, вариантлар бўйича дисперсия бир хил бўлмаса, уларни ўртачасини олиб бўлмайди.

4) Қуйидаги формула орқали регрессия коэффицентини аниқлаймиз:

